

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
 1 июлдан
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 102 (11.413)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кечка сатрларда

- **КЕЧА** шаҳримизда уюштирилган Ўзбекистон кардиологларининг анжуманида юрак-қон томир касалликларини даволашнинг самарали усуллари муҳокама қилинди.
- **СЕРГЕЛИ** туман Давлат солиқ инспекциясида электрон тизимли ҳужжатлардан фойдаланишнинг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган тадбирда соҳа ходимлари иштирок этишди.
- **КЕЧА** «Жар» спорт соғломлаштириш мажмуаси қошидаги «Оила маросимлари» марказида Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ҳамда «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳамкорликларида ташкил этилган «Ёш оила қурувчилар» мактаби тингловчилари иштирокида ўтказилган машғулот «Оила — муқаддас Ватан» деб номланди.
- **АБДУЛЛА** Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида ижтимоий ишлар марказининг битирувчиларига дипломлар топширилди.
- **ФУКАРОЛИК** жамиятини ўрганиш институтида уюштирилган тадбир фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг долзарб масалаларига бағишланди.
- **КЕЧА** Миробод туманидаги Фафур Фулом номи маданият уйида «Турон» ахборот-ресурс маркази ва 215-мактаб ҳамкорликларида «Шаҳрим менинг — фаҳрим менинг» мавзuida уюштирилган маънавий-маърифий тадбир асим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланди.
- **ХАЛҚАРО** маданият карвонсаройида пойтахтимизнинг 2200 йиллиги муносабати билан ташкил этилган Ўзбекистоннинг тарихий ёдгорликлари кўргазмаси сентябрь ойигача давом этади.
- **АБДУЛЛА** Қаҳҳор уй-музейида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Музейлар — маънавият кўзгуси» деб номланди.
- **ЭРТАГА** Глиэр номидаги Республика махсус музыка лицейида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида «Хайр мактабим» мавзuida ўқув йили якунларига бағишланган тадбир бўлиб ўтади.
- **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида уч йиллик биш-тишки мактаби битирувчилари иштирокида ўтказилган кўрик-танлов «Кувноқлар ва зукколар» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Харидор дид ва эҳтиёжини ўрганиш асосида изланиб, маҳсулот турларини кўпайтириш бугунги бозор иқтисодиёти талаблари сирасига киради. Бу, албатта ташаббус кўрсатиб, тадбиркорлик билан иш юритишни, ички ва ташқи бозорни тинмай ўрганишни талаб этади.



Кичик бизнес

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН ФЙДАЛАНИБ

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Тошинвестпласт» масъулияти чекланган жамиятида ҳам бу борада самарали изланишлар ўз натижасини бераётгани маҳсулот турларида яққол аксини топмоқда. Бугунги кунда корхонада маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда 200 хилдан зиёд маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда ва буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

— Корхонамиз 1998 йилда ташкил этилган, — дейди жамият раҳбари Равайн Миркомиллов. — Асосан фаолиятимизни пойтахтимиз санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида пластмасса контейнерлар тайёрлашдан бошлаганимиз. Ўзбекистонда ягона ҳисобланган Италиянинг ротацион қопил машинаси билан жиддий равишда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларимиз талабга тўла жавоб беради. Шу ўринда таъкидлашим лозимки, биз мазкур маҳсулотимизни маҳаллий, яъни «Шўртангаз» кимё мажмуаси хом ашёсидан тайёрлаганимиз боис ҳам нархи арзон, қулай, санитария қоидаларига мос, енгилдир. Хозирда маҳсулотларимизнинг рақобатбардошлигини таъминлашга интилиб, товарлар турларини кўпайтириб, буюртмачиларни жалб этишга, тадбиркорлик билан изланишга ҳаракат қилаяпмиз.

Корхонада айни кунларда 12 нафар малакали мутахассис меҳнат қилмоқда. «Совластитал» кўшма корхонаси билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган тадбиркорлар унинг буюртмаларини ҳам бекум кўст бажаришмоқда. Мисол тариқасида келтириладиган бўлсак, шаҳримиздаги Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғидаги болалар ўйингоҳлари буни исботлаб турибди. Улар ўзининг кўркам дизай-

ни, сифати ва қулайлиги билан кўпчиликка манзур бўлиб, кичкинтойлар шодлигига хизмат қилмоқда. Шунингдек, пойтахтимиз кўчалари, корхона, ташкилот ва муассасалари ён-рофларини анвойи гуллар билан безашда, уларни ўстиришда қўл келаятган турли хил гултуваклар ҳам мазкур корхона маҳсулотларидир. Бугунги кунда буюртмачи талабидан келиб чиқиб уларнинг ўнлаб турлари ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.

Халқимизнинг «Излаган имкон топади», деган ибораси беҳиз айтилмаган. Унга амал қилган корхона ахли изланишлардан, янги маҳсулотлар яратишдан асло чарчашмапти. Утган йилда улар томонидан кишлоқ хўжалиги техникалари учун бункерлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Шунингдек, кўплаб бутловчи қисмлар ҳам буюртмачиларга кўра муваффақиятли тайёрлаб берилмоқда. «Тошкент трактор заводи» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган техника воситалари учун ҳам пластмасса бутловчи қисмлари тайёрланиб, хозирда улар синовдан ўтмоқда.

Тадбиркорлар ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилиши мумкин ва лозим бўлган сифатли маҳсулотлар билан таъминлаб, иқтисодиётимиз ривожига ҳисса қўшишга интилишмоқда. Бунинг учун эса уларга мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик равнақи йўлида яратилаётган имкониятлар, шарт-шароит ва қулайликлар қўл келмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА
 СУРАТДА: замонавий технологиялар асосида янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.
 Хакимжон Солиҳов олган суратлар



Ёшлар ижод саройида «Шаҳрим баҳори» мавзuidaги бадий кўргазма ташкил этилди. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган кўргазмада «Қолибри» болалар санъат студияси аъзоларининг ижодий ишлари намойиш этилмоқда.

«ШАҲРИМ БАҲОРИ»

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларни миллий ва жаҳон санъати дурдоналаридан баҳраманд этиш, уларнинг иқтидорини намойён қилиши учун барча шарт-шароитни яратиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда ёш авлодни бой тарихимиз, миллий анъана ва қадриятларимиз руҳида камолга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Шаҳрим баҳори» кўргазмаси ҳам ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ёш рассомларнинг кўргазмада намойиш этилаётган ижод намуналаридан пойтахтимизнинг кенг ва раvon кўчалари, сўлим хиёбонлари, боғ ва сайилгоҳлари, меъморий мажмуалари, болаларнинг беғубор шодликлари ўз аксини топган. Айниқса, Камола Икромова, Элёр Абдуллаев, Абдулазиз Содиков, Шохсанам Нишоннова, Севара Раҳимқуллова каби ўқувчилар чизган суратлар томошабинларнинг алоҳида эътиборини тортмоқда.

«Умид ниҳоллари — 2009»

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Гулистон шаҳрида ўтказиладиган «Умид ниҳоллари — 2009» спорт мусобақаларига Тошкент шаҳридаги мактаб ўқувчилари ҳам қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Мусобақанинг мактаб ва туман босқичларида 300 минг нафардан зиёд ўғил-қиз иштирок этган бўлса, шаҳар босқичида 2 минг нафардан ортиқ ўқувчи спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, теннис, стол теннис, бадий гимнастика каби турлари бўйича голиблик учун баҳс олиб борди.

«Умид ниҳоллари — 2009» спорт мусобақаларининг финал босқичида 128 нафар иқтидорли ўғил-қиз пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилади, — дейди Тошкент шаҳар «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси ўринбосари Дониёр Султонов. — Айни пайтда улар сўнгги ўқув-йиғин машғуллотларида иштирок этмоқда. Барча талабаларга жавоб берадиган спорт иншоотларида жиддий хозирлик кўраётган ёшларга тажрибали мураббийлар сабоқ бермоқда.

ЎЗА МУХБИРИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бир қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2008 йилги ҳамда 2009 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисида Молия вазирлигининг ҳисоботи тингланди.
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги делегацияси Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг минтақавий қўшма анжумани доирасида БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси ва Автомобиль транспорти халқаро иттифоқи ҳамда мамлакатимизнинг Эрондаги элчихонаси ҳамкорлигида «Навий» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг тақдимоти-ни ўтказди.
- Кеча Миллий матбуот марказида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси «Ёшлар қаноти» томонидан ташкил этилган «Глобаллашув шароитида Ўзбекистон ёшларининг ўрни» мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди.
- Тошкентда Ўзбекистон шаҳарларида сув таъминоти ва канализация тизимини бошқариш соҳасида хусусий ва давлат корхоналарининг ҳамкорлигини такомиллаштириш истиқболлари бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Савдо-Саноат палатаси, Бизнес форуми ҳамда Франциянинг «Veolia Water» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда мамлакатимизда ушбу тизимда олиб борилаётган ислохотлар, амалга оширилиши лозим бўлган режалар хусусида сўз юритилди.
- Қарши шаҳрида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан маданият, санъат ва мусика йўналишидаги коллеж ҳамда академик лицей ўқувчилари ўртасида «Ёш ижрочилар» кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди. Танлов якунига кўра энг юқори натижага эришган 40 нафардан ортиқ истеъодли ёшлар ўз йўналишлари бўйича республикамиздаги олий ўқув юртларига кириш имтиҳонига эга бўлишди.
- Шаҳрисабз шаҳрида «Шаҳрисабз баҳори» ёшлар сайли бўлиб ўтди. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишлаб ўтказилган ушбу кенг миқёсли тадбирда тумanning барча ҳудудларидан келган ёшлар ўз истеъод ва маҳоратларини намойиш қилишди.

ЖАҲОНДА

- Хабаровскда Россия — Европа Иттифоқи саммити бошланди.
- Украина Бош вазирини Юлия Тимошенко бошчилигидаги Юлия Тимошенко блоқи мамлакатда 2009 йилнинг охири, 2010 йилнинг бошида ўтказиладиган президентлик сайловида иштирок этишини эълон қилди.
- Боку ва Тбилиси Грузия ҳудудидан газ сақланадиган омбор қурилиши борасида ўзаро келишиб олди. Бу ҳақда Грузия Президенти Михаил Саакашвили Озарбойжон Бош вазирини Артур Расизода билан учрашуви чоғида маълум қилди.
- Кеча Бағдоднинг жанубий қисмида яна бир террорчилик ҳаракати содир этилди. Аҳоли гавжум жойда бомба портлатилиши натижасида уч АҚШ аскарлари ҳамда тинч аҳоли вакилларидан ўн икки киши ҳаётдан кўз юмган.
- Филиппин маъмурлари А/Н1 N1 ҳасталигига чалинган мамлакатдаги дастлабки кишини қайд этдилар.
- Яқка-ёлғиз ҳолда ҳаракат қилган террорчи томонидан Сербия Президенти Б.Тадичга нисбатан уюштирилган суиқасд муваффақиятсиз якунланди.
- Буюк Британия парламенти юқори палатасининг икки аъзоси порахўрлиги туфайли ишдан четлатилди. Етакчи Лейбористлар партияси аъзолари Питер Траскотт ва Томас Тейлор қонунга ўзгартиришлар киритиш учун манфаатдор шахсларга белгиланган пулни беришга хозирланганликлари учун Лордлар палатаси томонидан бир овоздан айбдор деб топилди.
- Бразилиянинг шимолий ва шимоли-шарқий ҳудудларида сув тошқини юз берди. Бразилия Миллий фуқаролар муҳофафаси муассасаси томонидан маълум қилинишича, табиий офат туфайли 370 миңг киши бошпанасиз қолган, 46 киши эса ҳалок бўлган.
- Япониянинг Fujitsu компанияси бир сонияда 128 миллиард амалиётни бажара оладиган Venus процессорининг тақдим этди, бу илгари Intel чипи ўрнатган рекорддан 2,5 баравар юқоридир. Янги процессор суперкомпьютерлар учун мўлжалланган, шунингдек, ундан саноат мақсадларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Янги ижтимоий лойиҳалар

Бунинг учун, азиз болажон, барча шарт-шароитлар ва имкониятлар етарли. Фақат хоҳиш билдирсанг кифоя. Ота-онанг, ўқитувчи устозларинг сени ҳар доим қўллаб-қувватлаб, ёрдамини аямайди. Ору-умидларинг, имкониятларинг аваламбор тўғарақларда рўёбга чиқиши мумкин. Биргина шаҳримизда 2 мингдан зиёд тўғарақлар фаолият юритмоқда. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас.

ЎЙЛА, ИЗЛА, ТОП

Бу эзгу ниятларни икки кун давом этган ўқувчиларнинг ижодий кўргазмасига ташриф буюрган ўсмир ёшларимиз ташкилотчилар номидан оқ фотиҳа ўрнида қабул қилдилар десак адашмаймиз. Уларнинг ҳар бири тенгдошларининг ҳунари бўлар экан, ўзлари ҳам интилиши, қизиқиши албатта амалга ошиши мумкинлигига амин бўлишди. Байрамонга тус олган ушбу тадбирнинг биринчи кунини 39 мингга яқин ўғил-қизларимиз турли тўғарақларга аъзо бўлган бўлса, иккинчи кунини яна 21 мингдан зиёд болажонларимиз шундай қарорга келишди.

— Мен ўзим ўқитувчи бўлганим боис кўргазма уюштирилаётганидан хабардор эдим. Аммо, очигини айтишчи керак бундай қўлама кенг — бир жойнинг ўзида бутун шаҳардаги тўғарақлар, студиялар, спорт,

музыка-санъат мактаблари имкониятларини мужассам қилиш мумкинлигини кутмагандим, — дейди 109-мактаб директори Марғуба Турсонова. — Ўқувчиларимиз билан мактабдан ташқари муассасалардаги ҳамкасбларим қилаётган ишлар билан яқиндан танишиб, ҳали ўзим кўп нарсани билмаслигимни англадим ва ўз навбатида билмаганларимни шу ернинг ўзида ўргандим. Шу нукта назардан ушбу тадбир биз, болалар тарбияси билан кўпроқ машғул бўлаётган ўқитувчилар учун анча фойдали бўлди десам ўриналидир. Мактабимизда бир неча тўғарақ фаолият юритади. Таққослаб, шунини айтишим мумкинки, масалан, бизнинг фольклор дастамизга ўхшаш бадий гуруҳ шаҳарда са-

ноқли экан. Бевосита кўргазмадан кўзланган мақсадга келсак, 310 нафар ўқувчиларимиздан тўғарақларда банд бўлмаганларининг ҳаммаси ижодиёт ёки техник марказлари, кўшни туманлардаги спорт мажмуаларига аъзо бўлишди. Истардимки, ота-оналаримиз болаларининг қизиқишлари ривожига кўпроқ эътибор беришса. Фақат бир-галикда ҳаракат қиладиган бўлсак, фарзандларимиз ҳаётда албатта уларнинг муносиб ўринларини топа оладилар...

Шаҳар ҳокимлиги ва прокуратураси, Халқ таълими бош бошқармаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирнинг асл мақсад-вазифаси ҳам биргина мак-



табдан ташқари таълим тизимининг катта-катта имкониятлари бўлса-да, аммо тўлиқ талаб этилмаётганига айнан ўқитувчилар ва ота-оналарнинг эътиборини қаратишга йўналтирилган. Бундай йўсинда уюштирилган тағрибот-ташвиқот ишлари, самарали тадбирлар шубҳасиз, бу борадаги ўзига яраша бўшлиқни тўлдир-ришга хизмат қилади.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА
 СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

Москвадаги «Гостинный двор» кўргазма мажмуасида «МИТФ-2009. Сайёҳлик ва Ҳордиқ» тўққизинчи Москва халқаро сайёҳлик ярмаркасининг очилиши доирасида Ўзбекистон Республикаси сайёҳлик салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди. У «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» Жамғармаси ва «Келажак-тур» Халқаро болалар сайёҳлиги ва ҳамкорлиги бюроси томонидан «Фантазиялар оламида» номи Россия сайёҳлик компанияси кўмагида ташкил этилди.

«МИТФ» Халқаро сайёҳлик ярмаркаси Россиянинг сайёҳлик соҳасидаги энг йирик кўргазма-ярмарка бўлиб, у Москва шаҳри ҳукумати томонидан ҳар йили ўтказиб келинади. Унинг бошқа ярмаркалардан ажралиб турадиган жиҳати асосий истеъмолчилар йўналишларидадир. Тўрт кун давом этган бу йилги ярмаркада «Гостинный двор»га Россия ва дунёнинг мингдан зиёд компаниялари вакиллари жам бўлдилар. «МИТФ-2009» кўргазмасининг умумий майдони эса 4 минг квадрат метрдан ортиқ жойни эгаллади.

Соат роппа-роса ўн тўртда ярмарканинг кўп сонли томошабинлари ва иштирокчилари Ўзбекистон тенди томон ошқидилар. Уларни «Ялла» вокал чолғу ансамблининг жозибдор ашуллари ўзига тортиди. Тақдимот бошловчилари чиройли миллий либосларда йиғилганларга мамлакатимиз тўғрисида ҳикоя қилиб бердилар. Сўнгра катта монитorda Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари, ўзбек халқининг маданияти ва аъённаларига бағишланган ви-

деофильмлар намойиш этилди.

Йиғилганлар мамлакатимизда сайёҳлик бизнесининг юксак даражада ривожлангани, россиялик ва хориқлик сайёҳлик учун яратилган шарт-шароит-

берувчи бошқа қизиқарли маълумотлар тақдим этилди. Тақдимот эркин ва дўстона муҳитда, жонли мулоқот ва интерфаол суҳбат тарзида ўтди. Унда кўпгина иштирокчилар тақдимот ҳақидаги ўз муло-

қотилари билдиришди. — Саёҳат қилиш хамиша инсон учун ёқимли машғулот бўлиб келган, зеро, у шу йўл билан дунёни англаган, бошқа халқларнинг турмуш тарзи ва аъённалари, давлатлар ва минтақаларнинг тарихи билан яқиндан танишган, бу эса, ўз навбатида, одамлар бир-бирини яхшироқ тушунишига имкон беради, — деди Москва ҳукумати сайёҳлик кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Елена Пискунова. — Ўзбекистон қадимги цивилизациялардан сақлаб қолган кўп қадимий ёдгорликларни ўрганиш мумкин

риш насиб этади, зеро юртингизга бормаганимга ҳам кўп вақт бўлди. — Россиядаги энг йирик сайёҳлик кўргазмасида Ўзбекистон салоҳиятини намойиш этганимдан бағоят хурсандман, — дейди Москва савдо-саноат палатасининг сайёҳлик кўмитаси раиси, юртингизга саёҳат ташкил этишига ихтисослашган «Фантазиялар оламида» сайёҳлик компанияси бош директори Марина Саушканина. — Москва сайёҳлик ярмаркаси баҳорда ўтказилди, бу эса, Ўзбекистонда жуда гўзал даврдир. Ком-

паниямизнинг иш тажрибаси ва бугунги тақдимот шунини кўрсатмоқдаки, россияликларнинг Ўзбекистон сайёҳлик дастурларига қизиқиши йилдан-йилга тобора ортмоқда: саёҳатга бўлган талаб ҳар йили 30-40 фоизга ўсмоқда. Зеро, мамлакатингиз собиқ совет худудидаги энг жозибдор мамлакатлардан биридир. У ерда хориқий меҳмонларга дўстона муносабатда бўлишди ва уларни самимийлик билан қарши олиш-

ди. Меҳмонларни Ўзбекистонда бой тарихга эга бўлган қадимий шаҳарларга саёҳат ва мазали таомлар кўтмоқда. Россия ва чет эл сайёҳлик компаниялари Ўзбекистон билан ишлаётган туроператорлар билан ҳамкорлик ўрнатишга катта қизиқиш билдиришди. Улар Ўзбекистон сайёҳлик бозорига кириш шартлари, сайёҳлик хизматлари ва доир ҳамда ўзларини қизиқтирган бошқа саволларга батафсил жавоб олдилар.

Россиянинг «Эй энд Эй» сайёҳлик агентлиги бош менежери Александро Федосов куйидаги фикрларни билдирди: — Ўзбекистон Россиядан кўп қўл сайёҳлар ташриф буюрадиган порлоқ мамлакат бўлиб, ўлка ҳақидаги тасаввурларни бойитишга хизмат қилувчи бой эскирсия дастури билан Россия сайёҳлик компаниялари учун жуда қизиқарли ва жозибдордир.

Мамлакатда зарур инфратузилмани яратиш борасида улкан ишлар амалга оширилган. Бундан ўн йил аввал Ўзбекистонга саёҳатни ташкил этишда меҳмонхона танлаш билан боғлиқ муаммога дуч келар эдик, хусусан пойтахтда ҳам ўша пайтларда юқори даражали отеллар жуда оз эди. Бугунги кунда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам вазият мутлақо бошқача. МДХ худудидаги йирик шаҳарларнинг ҳаммаси ҳам алоқадар ҳақида меҳмонхоналар — кичик шинам отеллардан тортиб, то тўрт ва беш юздуги меҳмонхоналар маҳмулга эгаллиги билан мактана олмайдилар. Бундан ташқари, юқори сифатли меҳмонхоналар ва умуман сайёҳлик хизматлари учун белгиланган нархлар барча учун қулай бўлиб, бу мамлакатингизда сайёҳликни жадал ривожлантиришга муҳим асос бўлади.

«Жаҳон» АА Москва шаҳри

АЗАЛИЙ БУЮКЛИК МАСКАНИ

лар ва замонавий инфратузилма, бутун дунёга доғи кетган тарихий ва меъморий ёдгорликлар ҳамда бошқа диққатга сазовор жойлар тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлдилар. Бу йил Ўзбекистон пойтахтининг 2200 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ бўлган тадбирларга катта эътибор қаратилди.

Тақдимот меҳмонларига сайёҳликка оид қўлланмалар, турли ахборотнома ва буклетлар, мусиқа ва фотография дисклари ҳамда Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти, ўзбек халқининг секирра маданияти ва аъённаларига ҳақида тасаввур

Пойтахтимизда ўтказиладиган тўйларнинг фаизи ўзгача. Шу боис ҳам Президентимизнинг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш йўлида халқимизнинг энг яхши миллий аъённаларини қайта тиклаш, шаҳримизда тадбиркорлик билан фаолият олиб бораётган чеварлар маҳорати билан тайёрланаётган келин-куёв либосларини ёшларга намойиш этиш, пазандачилик соҳасидаги азалий аъённаларимизни давом эттириш, ошпазларнинг касб

лар, хизматларини намойиш этишга, — дейди «INTER TASHKENT EXPO» кўргазма компанияси директори Дилдора Зайнутдинова. — Иштирокчиларнинг қизиқиши учун кўп давомда ҳайъат аъённалари ва томошабинлар томонидан баҳолаб борилади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, голиблар Гран при ва 3 та номинация бўйича аниқланади.

Шоу кўрик-танловнинг иккинчи йўналиши эса «Тўй дастурхони» деб номланган, унда пойтахтимиз худудида фаолият кўрсатаётган 25 та ресторан ва тўйхоналар иштирок этади. — Пойтахтимизнинг юбилеи ни-

та ресторан ва тўйхоналар тантанали дастурхонларини намойиш этишди. Улар орасида «Пойтахт Наврўз таом савдо» ДУК, «Издидёр», «Дедеман», «Зиёфат» ресторан ва тўйхоналарини алоҳида таъкидлаш лозим.

— Фаолиятимизни 2004 йилда бошлаганимиз, — дейди иштирокчилардан бири — «Zebino» тўй ва гўзаллик салони директори Умида Аловудинова. — Келин-куёвларга қулайлик яратиш, уларнинг ҳаётининг унутилмас кунда янада гўзал бўлишларини таъминлаш, тўй кунги барча хизматларни сифатли таъкидлаш лозим.

ЎЗБЕКИСТОН ЗАМИНИ ҲАҚИДА ДОСТОН

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида уюштирилган маънавий-маърифий тадбир ва кўргазма «Ўзбекистон замини ҳақида достон» деб номланди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби П.Беньковнинг 130 йиллигига бағишланган тадбирда Ўзбекистон Бадий академияси раиси Т.Қўзиёв, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси ўринбосари А.Маматов ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда ёш авлод маънавиятини юксалтириш, санъат ва маданиятимизни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотларда миллий аъённа ва қадриятларимиз, урф-одатларимизни асраб-авайлаш, Ватанимиз тарихини ўрганиш, бой маданий-маънавий, илмий меросимизни чуқур тадқиқ этиш, ундан халқимизни баҳраманд этишдек эзгу ишлар устувор эканлигини қайд этидилар. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 12 сентябрда қабул қилинган «Музейлар тўғрисида»ги Қонуни бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур тадбир музейларнинг жамиятимиз маънавий ҳаётида тутган ўрни, уларда сақланаётган ўзбек халқининг бой маданий меросининг аҳоли, айниқса ёшларда ватанпарварлик, аждодлар ўтмишидан фахрланиш ҳамда миллий аъённа ва қадриятларга содиқлик каби тўйгуларни юксалтириш мақсадида ташкил этилди. Тадбирда таъкидланганидек, музейлар бугунги кунда ёшларнинг билимини мустаҳкамлаш, маънавиятини юксалтириш, комил инсон бўлиб камолга етишларида муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Тадбир доирасида юртимизда яшаб, ижод этган таниқли мусаевий Павел Беньковнинг асарларидан иборат бадий кўргазма ташкил этилди. «Ўзбек замини ҳақида достон» деб номланган мазкур кўргазмада мўйқалам соҳибининг серкуёвиз заминимиз, меҳнатсевар халқимиз, бой ва бетакрор миллий аъённа ва қадриятларимиз, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти акс эттирилган ҳамда юртимизнинг турли музейларида сақланаётган асарлари намойиш этилмоқда. Ҳар бир асар — серкуёвиз ўлкамиз заминининг гўзаллиги ва асрлар тарихи ҳақида қўйлади. Павел Беньков асарлари ўзбек тасвирий санъати тараққиётига таъмомила янги саҳифа бўлди. Рассом портрет санъатини пухта эгаллаган. У ўз асарларида инсоннинг ички дунёси, ҳиссий кечинмалари, руҳий оламини очиб берилади. Асарларининг ажиб табиий бўёқлари, мавзу жиҳатидан ранг-баранглиги, ҳаётийлиги билан томошабинда чуқур таассурот қолдиради.



Гулором ХАМИДОВА

Кўрик-танловлар



ТҲЙ ЛИБОСЛАРИ ВА ФАЙЗЛИ ДАСТУРХОН

Икки ёшнинг дил ришталарини бир-бирига боғлаб, уларни оила деб аталмиш муқаддас даргоҳга етакловчи тўй маросими инсон ҳаётидаги энг унутилмас лаҳзалар бўлиб, шу боис уни ҳар биримиз эсда қоларли ва гўзал тарзда ўтказишга ҳаракат қиламиз. Айниқса, ўзбек тўйларининг ўзига хос хусусиятлари, келин-куёв либосларию дастурхон безаклари кўпчиликини ўзига ром этади.



маҳоратини юксалтириш мақсадида кеча шаҳримиздаги муҳташам «Пойтахт Наврўз таом савдо» мажмуасида «Тўй либослари» — «Свадьба r/us UZ» ва «Тўй дастурхони» шоу кўрик-танлови ўтказилди. Ушбу қизиқарли тадбирнинг асосий ташкилотчиси «INTER TASHKENT EXPO» кўргазма компанияси бўлиб, танлов Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти, «Осиё рамзи» Ўзбекистон модельерлар уюшмаси ва бошқалар кўмагида ўтказилди.

Ҳар йили баҳорда ўтказиладиган «Тўй либослари» шоу кўрик-танлови тўй мавсуми авж олган ёз фаслида, албатта, ҳамшаҳарларимизга, келин-куёвларга аjoyиб совға бўлиб, либослар танлашда қулайликлар яратади.

— Уч кун давом этадиган мазкур кўрик-танловимизда пойтахтимизда муваффақиятли фаолият олиб бораётган 20 дан зиёд тўй салонлари, фотовидео студиялар, тантаналар уюштириш ташкилотлари иштирок этишди ва барча йиғилганларга ўзларининг айна кўнлардаги изланишлари ҳамда маҳоратлари самараси бўлган замонавий ва миллий либос-

шонланадиган кутлуг йилда умумий овқатланиш соҳаси ходимларининг касб маҳоратини юксалтириш тўй ва байрам тадбирлари меҳмонларига хизмат маданиятини ошириш, тўйхона ва ресторонолардаги тантаналарни ихчам, файзли ва чиройли ўтказиш мақсадларини қамраб олган «Тўй дастурхони» кўрик-танловида моҳир пазандалар ўзаро беллашди, маҳоратларини кўрсатишди, ёш соҳа ходимларига эса ушбу тадбир синов мактаби бўлади, улар касб сирларини ўрганишди, — дейди шаҳар савдо департаменти бош мутахассиси Фарид Толипова. — Мана, бугун улар безаган тўй дастурхонлари барчанинг диққатини тортмоқда. Бундан уларнинг ўз ишининг ҳақиқий усталарига бўлган эътибори кўриниб турибди. Албатта, голиблик энг маҳоратлиларга насиб этади ва уларга диплом, сертификат ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилади. Яна бир муҳим жиҳати эса мазкур танлов орқали улар ўз рестороно ва тўйхоналари маъкеини янада юксалтириб буюртмачилар сифини ҳам оширишди.

Шоу кўрик-танловнинг биринчи кунда «FLORANS», «KAMILA DESIGN», «SHAKRISODA» тўй либослари салонлари ўз махсулотлари ҳамда 8

этишга ҳаракат қиламиз. Тўй либосларини эса ёшларнинг талаб-истакларидан, эҳтиёжларидан келиб чиқиб тавсия этишимиз. Маҳмуамизда тўй либослари ихчаси, тикувчеҳи, гўзаллик салони ва суратга олиш, видео тасвири хизматлари бекаму кўст бажарилди. Тўй ва оқшом кўйлақларини яратишда дизайнерларимиз миллийликка ҳам алоҳида эътибор қаратишди. Танлов давомида эса махсулот ва хизматларимизни намойиш этиб, албатта, муваффақият қозонамиз деган умиддаман.

Мароқли ва қизиқарли намойишларга бой бўлган мазкур тадбир голиблари эртага аниқланиб, муносиб рағбатларни қўлга киритишди.

Шу ўринда айтиш жоизки, барча иштирокчиларнинг мақсадлари битта. У ҳам бўлса оила кураётган ёшларнинг ҳаётлари либос ва дастурхонлари сингари чиройли ҳамда файзли бўлсин.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: «Тўй либослари» ва «Тўй дастурхони» шоу кўрик-танлови намойишидан лавҳалар Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва бола ҳуқуқлари ҳимоясига доир бошқа халқаро шартномаларни амалга оширишда парламентнинг роли» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Анжуман парламент қўйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси томонидан БМТ Болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил қилинди.

Мазкур кўмита раиси А.Саидов бошқарган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, нодавлат ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Семинарда юртимизда ёш авлодга ҳар томонлама гамхўрлик кўрсатиш, болалар, ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани алоҳида таъкидланди. Жисмонан соғлом ва маънавий етук авлоднинг шаклланиши борасида қабул қилинаётган қонунларнинг мақсади ҳам болаларнинг камол топиши учун ихтисосий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ва уларни қаролатишдан иборатдир.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва 2008 йил 7 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларга кўрсатилаётган доимий эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Бу қонун мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодга кўрсатилаётган доимий эътиборни янада кучайтиришни назарда тутган ҳолда бола ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг таъминланишини мутлақо янги босқичга кўтариш учун қулай имкониятлар яратмоқда. У бола ҳуқуқларини таъминлаш ва кафолатлашга доир халқаро талаб ва андозаларга тўлиқ жавоб беради.

Анжуманда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва бола ҳуқуқларига доир халқаро ҳужжатлар талабларининг қонунларимизда акс эттирилиши, бола ҳуқуқларини таъминлашда парламентнинг роли каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Т.БОТИРБЕКОВ, ЎЗА муҳбири

Алоқа

ДАСТУРЧИЛАР ФОРУМИ

Тошкент Ахборот технологиялари университетида Ўзбекистон дастурчиларининг миллий форуми ўтказилди. Ўзбекистонда Бутунжаҳон дастурлаш саноатини қўллаб-қувватлаш мақсадида уюштирилган бу анжуман республикамиз дастурлаш махсулотлари бозори сифат ва сон кўрсаткичларини сезиларли ўсишини таъминлашга хизмат қилди.

Форумда дастурлаш таъминоти соҳасида фаолият юритаётган корхоналар махсулотлари намойиш қилинди. Бу эса халқаро аутсорсинг тизимида миллий ишлаб чиқарувчиларнинг тутган ўрни ортиб бораётганлигини кўрсатди. Тадбир доирасида ташкил этилган дастурий махсулотлар кўргазмаси ҳам томошабинларга яхши таассурот қолдирди.

«Бест софт Ўзбекистон — 2009» миллий кўргазмаси доирасида эса дастурий махсулотлар танлови ҳам уюштирилди.

КАФЕДРАГА ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАР

«Телекоммуникация узатиш тизимлари» кафедраси Тошкент Ахборот технологиялари университетидаги йирик ўқув-тадқиқот марказига айланган. Кафедранинг ўқув-моддий негизи янада бойитилди.

Метеорология, стандартлаштириш ва сертификациялаштириш фани бўйича лаборатория ишларини бажаришга хизмат қиладиган ушбу ускуналар мажмуаси телекоммуникация йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларга яхши совға бўлди. Шунингдек, оптик кабел, алоқа ва ахборотга ишлов беришнинг оптик тизимлари мутахассислиги магистрлари ҳам бундай асбоб-ускуналардан фойдаланадилар. Лаборатория маълумотлари ҳамда турли мавзудаги тадқиқотларни олиб боришда ҳам улар қўл келади.

РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ КЕНГАЯДИ

Мамлакатимизда рақамли телевидениени ривожлантириш йўлида кенг қамровли техникавий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги саъй-ҳаракати билан Тошкент шаҳрида рақамли телевидениени кенгайтиришга ҳам киришилди.

Бунинг учун тендер ҳужжатлари тайёрланди. Ушбу тендерда Япония, Германия, Литва ва Украина компаниялари иштирок этишмоқда.

Айни вақтда Самарқанд шаҳрида рақамли телевидениени ташкил этиш билан боғлиқ ёпиқ тендер эълон қилинди.

Ақбар АЛИЕВ

Дам олиш соатларида



Фан ва техника янгиликлари
**КУЁШ БАТАРЕЯСИДАН
 ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИЛК ШАХАР
 ПАЙДО БЎЛАДИ**

Kitson & Partners қурилиш компанияси Florida Power & Light энергетика билан Флориданинг мўъжазгина Бэбкок-Ренч (Шарлотта округи) шаҳарчасида 15 мегаватт қувватли жаҳонда энг йирик электр станциясини қуриб бериш бўйича битим тузди. Янги қорхона 70 квадрат километрдан кам бўлмаган майдонни эгаллаган аҳоли пунктини қуёш энергияси билан тўлиқ таъминлайди.

Тижорат учун мўължалланган барча бинолар (офислар ва корхоналарнинг умумий майдони 500 минг кв. метрга тенг) ҳамда турар-жой секторининг барча объектлари энергиядан тежамли фойдаланиш сертификатига эга бўлади. Шаҳар худудининг қарийб ярми парк ва хиёбонлар мақомини олади. Шаҳар амалда яқин атрофда жойлашган

қўриқхона билан қўшилиб кетади. Электр станциясида 20 минг киши ишлайди. Табиийки, Бэбкок-Ренч ишлаб чиқариладиган энергиянинг ҳаммасини истеъмол қила омайди. Компаниялар келажак шаҳарчасидаги мусоффолик ва энергия самарадорлиги янги технологияларни ўрганиш ва ривожлантиришга қизиқувчи кўплаб кишилар диққатини торттиришига умид боғлашмоқда.

Бэбкок-Ренч шунингдек, ультра кенг йўлли мутлақо симинос мега-лақа билан таъминланади. Электр станцияси қурилишини бошлашга киришиш шу йил охирига мўължалланмоқда. Шаҳар марказини бунёд этишга 2010 йил ўрталарига бориб киришилади. Дастлабки уйлар ва офислар бинолари келгуси йил охирига бориб қурила бошлади.

**ОҚИЛЛИК МИЯ ТУРЛИ ҚИСМЛАРИ
 ФАОЛЛИГИГА БОҒЛИҚ**

Калифорниялик нейробиологлар одамларни ақллироқ қилишнинг иложи бор, деб ҳисоблашади: оқиллик тўғрисидаги субъектив тушунча кўп жиҳатдан мия турли қисмлари юқори фаоллигига боғлиқ, дея изоҳ беришади улар. Тадқиқот натижалари Archives of General Psychiatry журналича эълон қилинган.

"Оқиллик - субъектив тушунча, бироқ, кўпгина фанларда унинг таърифи бир-бирига ўхшаб кетади. Шунга қарамай, бизнинг тадқиқотларимиз ақилликнинг нейробиологик асослари мавжуд бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда, — дея баёнот берди Сан-Диегодаги Калифорния университети рухшунослик факультетидан доктор Дилип Жест.

Нейробиологлар, оқиллик — инсон характеридоги ҳамдардлик, жонқуярлик, альтруизм, ўзини англаш, эмоционал босиқлик, ижтимоийлашув даражасига боғлиқ фазилатлардан иборат, деган кенг тарқалган фикрни мия фаолияти шаклига солиштириб қўришди ҳамда миянинг кўпроқ содда тизимлари (лимбик тизимлари) билан унинг кўпроқ ривожланган қисмлари ўртасида энг матлуб мувозанат мавжуд бўлгандагина ақилликка эришилади, деган хулосага келишди.

Олимлар фикрига кўра, ақиллик нейробиологиясини тушуниш мия фаолиятининг айрим бузиллишлари ва жароҳатланишларда ёрдам беради.

**ДЕЛЬФИНЛАРНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ
 ЎЛДИРИШ САБАБЛАРИ АНИҚЛАНДИ**

Вудз Хоул океанология институтининг Аран Муни раҳбарлигидаги бир гуруҳ америкалик олимлари ҳарбий кемалар сонарлари дельфинларни вақтинча қарахт қилиб қўяди, деган тахминларнинг тўғрилигини тасдиқлашди.

Тажиба-синов ишлари лаборатория шароитларида афалинлар (Tursiops truncatus) ёки бутилкасимон дельфинлар иштирокида олиб борилди ва уларга ёзиб олинган гидролокацион сигналлар овози эшиттирилди. Денгиз жониворларини кўтариш бўйича Британия хизмати (British Divers Marine Life Rescue) раиси Алан Найт илгарироқ, айнан ҳарбий сонарлар китлар ва дельфинларни қарахт қилиб

қўйиб, уларни миграция йўлларида адаштириб, қирғоққа чиқариб ташлашига сабаб бўлади, деган тахминни билдирганди.

"Жониворлар шовқиндан шу қадар қўрқиб кетишадики, саросимага тушиб, жуда юза сохилбўйи сувларига чиқиб қолишади, — дея тушунтиради у. — Сут эмизувчилар қирғоққа чиқиб қолган, ўз оғирликлари билан ўзларини босиб қолиб, фақат намлик етishмаслигидангина эмас, балки организм тўқималари ва қондаги мавжуд ортиқча азот моддасининг газсимон ҳолатга ўтишидан юзага келадиган кессон ҳасталигидан ҳам ҳалок бўлишади", дея хабар қилади Biology Letters вестниги.

БИЛАСИЗМИ?

Кўп йиллар давомида олимлар одамлар кайфияти нималарга боғлиқлигини билолмай келишарди. Британия университети олимлари бахт гормони — серотонинни кўчириш учун масъул геннинг турли кўринишлари инсоннинг ижобий ва салбий ҳаётий қарашларига таъсир этади, деган хулосага келишди.

Маълум бўлишича, ген қанчалик узун бўлса, инсон қарашлари шунчалик ижобий бўларкан. Илмий текшириш ишларида 97 киши иштирок этди. Уларга ижобий ва салбий персонажлар тасвирланган турли хил суратларни кўрсатишди. Генлари узунроқ деб тахмин қилинган кишилар ижобий кайфиятда бўлиб, ижобий қаҳрамонлар эгт актан ёки кўёшли манзаралар тасвирланган суратларни танлашди. Генлари калтароқ дея тахмин қилинганлар аксинча иш туттишди. Улар ўргимчак ва кўзга ёқимсиз кўринадиган махлуқлар суратларини танлашди.

Мазкур кашфиёт, олимларнинг таъкидлашича, депрессия ҳолатлари, невроз ҳамда кўрқув ҳасталикларини даволашда рухшуносларга ёрдам беради. Илгарироқ олимлар келажакка ишонч билан қарайдиганлар кўпроқ омадли бўлишларини ва бунинг сабаби, биринчидан, улар қарама-қарши жинс вакиллари эътиборини тор-

ўзингизни қайнонгиз ўрнига қўйиб кўринг. Уйил кўриб, уни кўз қорачиғидай асраб-авайлаб парваришлаб, катта қилиб, орзуларим ушалади, таянчим бўлади, деб умид билан яшаб келади она. Яна уни уйлантирсам — келиним менга қиз бўлади, у билан апок-чапоқ ва дўстона ҳаёт кечирамиз деб ўйлайди у.

Аммо, ҳар ким ўз қаричи билан ўлжайди деганларидай, қайнона-келинднинг дарров тил топишиб кетишлари осон кечмаслиги мумкин. Шундай пайтларда қайнонанинг бирон нарсани ўргатиш мақсадида баъзан аччиқ, баъзида чучук айтган гапларини кўнгилга олмаслик, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида чуқурроқ мулоҳаза юритишга интилиш, босиқ-вазминлик жуда катта фойда келтиради.

Қайнона ўғлини, сиз эрингизни рашк қилиб, ўзаро терс гаплашадиган бўлсангиз, умр йўлдошингизни ҳам қийнаб қўйишингиз мумкин: ахир уни иккалангиздан бирингизни таллашга ундаш ақидан эмас-ку! Икки томонлама шикоятларнинг кети узилмай, чўзилиб кетадиган бўлса, эрининг ҳам тоқати тоқ бўлиши, ўртада уч томонлама таранг вазиятлар вужудга келиши ҳеч гапмас.

Шунинг учун қайнонгиз билан дўстона суҳбатлар қуришга, унинг орзу-умидлари, тўйдан кейин келин билан муносабатларини у қандай тасаввур этиши ҳақидаги фикрларини билишга инти-

Қайнона-келин муносабатлари — бу ҳақда юзлаб китоблар ёзиш, ҳисобсиз кинофильмлар, спектакллар яратиш мумкин. Аммо бу муаммонинг ечими ҳали-бери кўринмайди. Шундай экан, унга кўл силтаб қўя қолиш мумкинми? Албатта — йўқ!

Зеро, уларни муромага келтирувчи, қайнона-келиндарни ўзаро рақиблар эмас, иттифоқчиларга айлантирувчи таъсирчан омиллар оз эмас. Бундан ташқари, кўпгина келинлар вақт ўтиши билан оилавий турмушда катта тажрибага эга бўлган қайноналарни ҳақ бўлганларини, уларнинг меҳрибон мураббийлиги ёш оилани мустаҳкамлашда қанчалар муҳим бўлганини эътироф этишади, миннатдорлик билан уларни тилга олишади. Шундай экан, қайнона-келин ўртасида меҳр-оқибатли риштани вужудга келтириш билан боғлиқ бир қанча чиқишлар уюштиришимиз фойдадан холи бўлмас.

Рухшунос Ирода Салимова янги келинларга бир неча амалий маслаҳатлар беради:

линг. Айни пайтда сиз оилада ўзаро муносабатлар қандай ривожланишини исташингизни ҳам тушуниришга ҳаракат қилинг. Атрофга қайнонгиз кўзи билан

оилангизга қайнонгиз кўрсатаётган гамжўрликларни учун миннатдорлигингизни изҳор этинг. Шундан кейингина ўз истак-хоҳишларингиз, таклиф ва илти-

нарсаларни совға қилинг, унга ёқадиган мақтов гапларингизни аяманг, она тарбиясини олган эрингиз ҳақида яхши гаплар айтинг, унинг (яъни ўғлининг) қайси ижобий фазилатларини алоҳида қадрлашингизни таъкидланг.

Албатта, буларнинг ҳаммасини чин дилдан, самимий гапириш, унга кўпроқ миннатдорлик билдириб туришга, хулқ-атворда, қадриятларни эъзозлашда қайнонгизга ўхшаган интилишингиз керак. Кексайиб бораётган қайнонгиз саломатлиги, кайфиятини тез-тез сўраб туринг, ишлари-ташвишлари билан самимий қизиқинг. Қайнонгиз орзу-умидлари, дарду ҳасратларини сабр-тоқат билан эшитишга ўрганинг.

Бундай ҳаракатлар сизнинг қадр-қимматингизни қайнонгиз олдида ҳам, турмуш ўртоғингиз олдида ҳам, оиланинг бошқа аъзолари олдида ҳам оширишига, ҳаётга энди қариб келаётган ёш оилангиз мустаҳкамлишига хизмат қилишига шубҳа йўқ.

**ҲАМФИКР БЎЛИБ
 ОЛИНГ!**

ҳам назар солинг. Ўзингизни унинг ўрнига қўйинг. Нега у айнан шундай қилмоқчи ёки ўзини шундай тутмоқчи бўлганини тушунишга урининг. Исобт талаб қилмайдиган шундай қоида бор — "ҳар қандай хатти-ҳаракатдан ижобий мақсад кўзда тутилади". Бинобарин, қайнонгизнинг ижобий мақсад-интилишларининг мағзини чақишга ҳаракат қилинг.

Мабодо, феъл-атворидаги бирон нарса сизни қаттиқ ранжитиб қолган бўлса, у билан ҳайрихоҳларча, самимий гаплашиб кўринг. Энг аввало, ўзингиз ва

мосларингизни жуда илтифотли оҳангларда, ётиги билан айтсангиз бўлади.

Шундай қилинган, қайнонгиз сизнинг иттифоқдошингизга айлансин. Ҳар қандай нарса юзасидан унинг маслаҳатларини олишга ҳаракат қилинг (тез орада бу унинг меъдасига тегиб, ўз айтганларини ўтказишдан ҳам воз кечади). Қайнонгизни тансиқ таомлар, ширинликлар, у ёқтирадиган мева-чевалар билан сийлаб туринг, уни театр, кинога бирга тушишга таклиф қилинг. Гуллар ва эрингиз тўхта қилган



Оғайнилар

Автоолам янгиликлари

2009 ЙИЛНИНГ БУТУНЖАҲОН АВТОМОБИЛИ

"2009 йилнинг бутунжаҳон автомобили" халқаро танловида Volkswagen Golf VI хэтчбеки ғолиб деб топилди. Йилнинг энг яхши спорт автомобили учун белгиланган соврин Nissan GT-R суперкарига насиб этди. Мазкур спорт машинаси ўз тоифасида Chevrolet Corvette ZR1 ва Porsche 911 Carrera автомобиллини ортада қолдирди.

"2009 йилнинг энг яхши автомобиль дизайни" номинацияси бўйича микролитражли Fiat 500 ғолиб деб эътироф этилди.

Opel Astra КЕЙИНГИ АВЛОД МАШИНАСИ

Кутилганидек, янги автомобиль ўзидан олдингисидан бутунлай фарқ қилади: янги "Астра"да кузовнинг кескин, чўрт кесилган қирралари ўрнида "каттароқ ёшдаги" Opel Insignia стилидаги силлиқ бурилишлар пайдо бўлди. Бундан ташқари, янги машина асосида Opel Astra Chevrolet Cruze седани билан ҳамкорлик қиладиган Delta II платформаси ётади.

Беш эшикли "Астра"нинг жаҳон кўрғазмаси Франкфуртдаги автосалонда шу йил кузида ўтказилди. Сал кейинроқ — 2010 йили унинг ёнига универсал ва уч эшикли хэтчбек қўйилади. Opel Astra нинг кейинги авлоди 75 дан 240 от кучигача қувватга эга бўлган турли бензин ва дизель моторлари билан тақдим этилиши тахмин қилинмоқда.

Европада янги "Астра" шу йилнинг охири ёки келгуси йил бошларида сотила бошлайди. Янги автомобиль нархи ҳали эълон қилингани йўқ.



гулланишларини билолмай, ўзларини кераксиз бўлиб қолгандай ҳис этишади.

Ҳозирги замон тадқиқотчилари молиявий, яъни маблағ хотиржамлиги билан бахтиёрлик ҳислари ўртасида қатъий боғлиқлик мавжудлигини аниқлашди. Олимларнинг фикрича, молиявий муаммолар ҳақида кўп ташвиш қиладиган аёллар ҳаётда камроқ бахтлидирлар. Чунотчи, ўзининг моддий мустақиллиги ва хотиржамлигини англаш катта пулга эга бўлишдан кўра ҳаётдан кўпроқ мамнунлик келтиради.

"Хатто сиз яхшигина даромадга эга бўлсангиз-у, ишдан бўшатилишдан, тиббий сўғуртадан ажраб қолишдан хавотирда бўлсангиз — бу ҳолат ҳаётдан мамнунлик ҳиссини келтиролмайди", — дейди мутахассислардан бири.

Олимлар турлича даромад ва ижтимоий мавқега эга бўлган мингдан ортиқ аёллар ўртасида сўровлар ўтказишди. Ўз нафақа ҳамгармалари ҳақида, қутилмаган ҳолатлар учун маблағ йиғиб қўйиш тўғрисида ташвиш чекмайдиган аёллар ҳаётда кўпроқ бахтиёр эканлар. Дабдабали, дангиллама саройингизми ёки камтарона уй-жойингиз бўладими — бунинг аҳамияти йўқ. Энг муҳими — бирингизни тортиб олиб қўймаслиқларига амин бўлишлик. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, бу ҳиссиёт ҳасилликка кирмайди, балки кўпроқ хотиржамликка алоқадордир.

**ТАХМИНЛАР
 ҲАҚИҚАТГА
 ЯҚИН**

Франциялик тарихчи олима Одиль Борда даъвосига кўра, у Шарль де Бац де Кастельмор д'Артаньян дафн этилган жойни аниқлашга муваффақ бўлган. Бу шахс машҳур "Уч мушкетёр" романига унинг муаллифи Александр Дюма томонидан прототип қилиб олингани маълум.

Д'Артаньян жасади унинг вафотидан сўнг Францияга олиб келинган, деган тахминларга қарши ўлароқ, Борда машҳур мушкетёр Голландиянинг Маастрихт (ҳозирда Вольдер шаҳар тумани) чеккасидаги Авлиё Пётр ва Павеллар номи билан аталадиган мўъжаз черковда дафн этилган. Тарихий воқеалар хроникасини таҳлил этиш орқали Борда шу хулосага келган.

1672-1678 йиллар давом этган Франция — Голландия урушида д'Артаньян айна Маастрихт қалъаси қамали вақтида 1673 йил 25 июнда ўлдирилгани аниқ маълум. Борданинг таъкидлашича, ўша кунни ҳаво жуда иссиқ ва дим, ҳаво намлиги жуда юқори бўлиб, жасадини Францияга олиб бориш катта муаммо тўғдирар, мўмийлаш эса жуда қимматга тушарди.

Бундан ташқари, Маастрихт қамали вақтида ҳалок бўлганларни одатда яқиндаги католик черковига қўмишар, д'Артаньян лагери эса, яқинда аниқланишича, Вольдер яқинида турган. Бу ҳолат Борда тахмини тўғрилигига асос бўла олади. Борда, шунингдек, д'Артаньян қабри Францияда топилмаганини ҳам таъкидлайди.

Ўз назарияси далилларидан келиб чиқиб, Борда Франция ҳукумати ва католик черковидан Авлиё Пётр ва Павеллар черковидида қазиб ишлари олиб боришга рухсат олишга эришмоқчи. Борданинг фикрига кўра, д'Артаньян хокини топиш имконияти бу ерда эллигу эллика тенг.

Шарль де Бац Кастельмор д'Артаньян XVII аср бошларида Гасконияда дунёга келган. Йигирма ёшлар чамасида у қирол мушкетёрлари ротасига хизматга кирган ва кейинчалик (1658 йилда) унинг командирларидан бири бўлиб қолган. Унинг ўлиминдан кейин Францияда 1700 йили "Мессир д'Артаньян хотиралари" (Les Memoiresde Monsieur d'Artagnan) китоби пайдо бўлган. Ўша даврнинг таниқли адаби ва журналисти Гасьен Куртиль де Сандра унинг муаллифи эди. Мазкур "Хотиралар" асосида Дюма-ота ҳозиргача севиб ўқиб келинадиган ва дунё кино шинавандалари ҳаяжон билан томоша қиладиган кўплаб фильмларга асос бўлган "Уч мушкетёр" романини, шунингдек, шу туркумдаги "Йигирма йилдан сўнг" ҳамда "Виконт де Бражелон" эпик асарларини ёзганди.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

АБУЛҚОСИМ ФИРДАВСИЙ

Кўнглингни қачонгача эзиб қайғу-алам,
Бойлик йўғасан қатор қилиб қасру ҳарам?
Е дўсту яқинларинг билан, қувна бу дам,
Душманга қолар йўқса унинг барчаси ҳам.

АБУ АЛИ ИБН СИНО

Кўнглим сира илм таҳсилдан маҳрум эмас,
Қолди жуда оз сир менга то мавҳум эмас.
Етмиш икки йил тинмай илм ўргандим,
Маълум бўлди: ҳеч нима маълум эмас.

Май мастга ёву хушёр учун ёр бўлади,
Оз бўлса шифо, кўпи захри мор бўлади.
Кўп бўлса, унинг зарари бор озгинаю,
Оз бўлса, унинг манфаати бор бўлади.

Кексайса киши ёшлар ишин қилмайди,
Соч оқ — қарликни яшириб бўлмайди.
Тун зулматида ҳар неки қилсанг-қилдинг,
Тонг равшанида энди қилиб бўлмайди.

Эй нафс, қидирганинг мудом ҳою ҳавас,
Ўзингни ҳимоя қилгали шох бу нафас.
Дунё дема, кўй хийлани, мансаб тилама,
Душманлик ишинг ҳамиша, ҳеч дўстлик эмас!

Дўст оғзи-бурун ўпишса душман-ла чунон,
Тарк эт бу каби мунофиқ улфатни шу он.
Омухта эса захар — шакардан воз кеч,
Қоч пашшадан остиде агар бўлса илон.

Эй дилга ёмонлик уруғин жо қилган,
Тавба қилиб энди, афв таманно қилган.
Сен афвга умид боғлама, зинҳор бўлмас
Қилган қилмаган, қилмаган гўё қилган.

Ул дамгача, то жаҳонни тарк этгайсан,
Ох-воҳсиз умр манзилга етгайсан.
Ҳар қанча ишинг бўлса, бугун айла шитоб,
Эрта дема, ноилож қолиб кетгайсан.

Кетмас йўқолиб ҳеч нима беному нишон,
Гайб оламидан жой олади у шу замон.
Бир кун яна ўз аслига эврилса фалак,
Сир пардасидан чиқаргуси Ҳақ бегумон.

Тан ўту суви ичинда жон пинҳондир,
Қон бўлмаса қон нега банди зиндондур?
Дунёда агарда зарра қадри бўлса,
Жон қиймати нега бунчалик арзондур?!

Умрингнинг ўзи икки нафас, эй одам,
Тўхтам нима билмас у шамолдек бир дам.
Умрингнинг асосини шамолга бердинг,
Бўлганми шамол асоси ҳеч мустаҳкам?

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

ҚУТЛАЙМИЗ!

Муҳтарам Назира Фуломовна!

Сизни қутлуғ 70 баҳорни қаршилаганингиз
муносабати билан оиламиз номидан чин
дилдан муборакбод этамиз. Сизга
мустаҳкам соғлиқ, илмий фаолиятингизда
улкан зафарлар тилаб қоламиз. Неча
минглаб хаста дилларни даволаётган
шифобахш кўлларингиз асло толмасин.

Ҳурмат ва эҳтиром ила
Низомовлар оиласи.

Яқингинада шундай хушхабар-
ни эшитиб қолдик. Республика их-
тисослаштирилган санъат лицей-
интернатининг «Истеъдод» дутор-
чи кизлар ансамбли Украинанинг
Симферополь шаҳрида ўтказилган
«Синяя птица» Х халқаро мусиқа
танловида муваффақиятли қатна-
шиб, бир йула тўртта асосий му-
кофотни қўлга киритиб қайтди.

Мазкур танлов яқна мусиқа чо-
лулари, вокал ва ансамбллар но-
минациялари бўйича ўтказилди.
Натижаларга кўра «Ансамбллар»
номинацияси бўйича 12 та ан-
самбль қатнашган танловда бирин-
чи ўрин «Истеъдод» ансамблига
насиб этди. «Яккагон халқ чо-
лулари» номинациясида эса ансамб-
лнинг икки нафар солисти Ирода
Мирсоатова ва Юлдуз Мирсамато-
ва биринчи ўринни эгаллаб, со-
вориндор бўлишди. Танлов номи-
нацияларига кўра 16 та биринчи
ўрин голиблари орасида ўтказил-

ган танлов якуни бўйича ягона Гран
прига Ўзбекистондан борган «И-
стеъдод» дуторчилар ансамбли са-
зовор бўлди. Бундан ташқари то-
мошабинларнинг 97 фоиз овози-
ни олишга муваффақ бўлганлиги
сабабли «Томошабинлар эътиро-
фи учун» соврини ҳам «Истеъдод»
ансамблига тақдим этилди. Шу-
нингдек, танловда ансамблнинг
бадий раҳбари Насиба Содикова
«Энг яхши ўқитувчи» фахрий дипло-
ми билан тақдирланди.

Шуни айтиш жоизки, бу ансамб-
лнинг биринчи ютуғи эмас. Ан-
самбль жамоаси 2006 йилда «Янги
авлод» республика танловида, Мос-
квада ўтган «Москва дўстлари чо-
рлаиди» фестивалида ҳам муваффа-
қиятли қатнашган. Ансамбль қат-
нашчилари И.Мирсоатова ва
Ю.Мирсаматова Франция ва Порту-
галияда ўтказилган Халқаро фольк-
лор мусиқа фестивалида иштирок
этиб, муносиб ўринларга сазовор

Санъат гулшанида

«ИСТЕЪДОД» — ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ГОЛИБИ

Санъат инсонларни эзгуликка етаклайди. Бугунги кунда санъат
гулшанига қадам қўяётган истеъдодли ёшларнинг маҳоратини кўриб,
уларнинг қўлга киритаётган ютуқларини эшитиб, ҳавасинг келади.
Келажаги порлоқ, умидли ёшларимиз сафи йилдан-йилга ортиб
бораётганидан қувонамиз.

бўлишган. Шунингдек, Россия ой-
наи жаҳондаги чиқишлари ҳам
эътиборга сазовор бўлган.

— Биз мана шундай ютуқларни
қўлга киритганимиздан беҳад хур-
сандимиз,— дейди «Истеъдод» ан-
самблининг бадий раҳбари Наси-
ба Содикова.— Ансамбль 2003
йилда ташкил тоналган бўлиб, унда
лицей-интернатнинг маҳоратли
созанда ва ўқувчилари ўз санъат
йўналишидаги иқтидорларини

ошириб, истеъдодларини намоён
этиб, жамоатчилик эътиборини
қозониб келмоқда. Ўзбекистон
Бадий академиясида, шаҳар ва
туман миқёсида ўтказилаётган
тадбирларда, пойтахтимизнинг
йирик концерт саҳналарида ранг-
баранг концерт дастурларимиз бил-
лан қатнашиб келяпмиз. Албатта
бундай катта ютуқларга эришиш
жамоамиз учун шарафдир. Мак-
садимиз, янги, мазмунли дастур-

лар яратиб, ўзбек санъатини жа-
ҳонга танитишдан иборат.

Нурли истиқбол сари интила-
ётган «Истеъдод» ансамбли жамо-
асига биз ҳам ижодий парвозлар
тилаймиз. Санъат гулшанига қадам
қўйган мазкур ансамбль ўз номи-
га муносиб истеъдодли ёшлар бил-
лан тўлишига умид қиламиз.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТДА: «Истеъдод» дутор-
чи кизлар ансамбли жамоаси.

Спорт янгиликлари

ЯНГИ СПОРТ ТУРИДАН МУСОБАҚАЛАР

Ёшларни жисмонан соғлом, матонатли ва жасур қилиб
тарбиялашда спорт ва жисмоний тарбиянинг аҳамияти беқиёсдир.



Ушбу мусоба-
қаларнинг
мунтазам
ўтказилиши
эса ёш
спортчилар
учун ҳақиқий
байрамга ай-
ланмоқда ва
уларни яна-
да юксак
марраларни
эгаллашга
чорламоқда.
Улар Беруний
ва Улуғбеклар,
Бобур ва
Ал-Фарғоний,
Ал-Хоразмий-

лар авлоди эканлиги билан фахрлани-
шади. Зотан бу фахр ва ифтихор улар-
нинг қалбига Ватан меҳрини ўстира-
ди, уларнинг ҳар бирлари мусобақа-
ларда Ўзбекистон байроғининг ҳилпи-
рашини орзу қиладилар. Ва бежиз
Республикамиз бугунги кунда кўп-
турлари бўйича дунё мамлакатлари
орасида етакчи ўринларни эгалламай-
ди.

Республика миқёсида ўтказилаётган
«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод»
ва «Универсиада» спорт ўйинлари ўзига
хос кичик олимпиада деб баҳолам-
оқда. Бу спорт мусобақаларидан бўла-
жак чемпионлар етишиб чиқмоқда.

Куни кеча мамлакатимиз спорт тур-
лари қаторига яна бир янги «қалдирғ-

оқ» кирди. Яъни Ўзбек жаңг санъати
Федерацияси ташкил этилди. Бу спорт
тури келажақда Ватанимиз учун, Мил-
лий армиямиз ва Ички ишлар учун ёш
Ватан ҳимоячиларини тайёрлашда му-
ҳим ўрин тутадир.

Шаҳримиздаги «Юнусобод» теннис
кортида ўзбек жаңг санъати бўйича му-
собақалар ҳам бўлиб ўтди. Унда рес-
публикамизнинг ҳамма вилоятларидан
60 га яқин ёш спортчилар қатнашиш-
ди.

Мусобақа бошланиши олдинда ўзбек
жаңг санъати федерацияси президен-
ти Пўлат Усмонов, Маданият ва спорт
ишлари вазири Эркин Куттибоев, фе-
дерациянинг вице-президенти Даврон
Алимбековлар сўзга чиқиб янги спорт
тури ҳақида тўлиқ маълумот бериб,
барча қатнашчиларга омад тиладилар.
Биринчи голиб, биринчи медаль эга-
ларига мукофотлар катта тантана бил-
лан топширилди.

Ушбу мусобақанинг кўтаринки руҳда
ўтишида устоз-мураббийлар Карим Да-
латмендов, техник комиссия раиси Ҳик-
матилла Ҳофизов, ижрочи раҳбар Фаҳ-
риддин Умаров, мураббий Раҳматжон
Тиллаевларнинг хизмати катта бўлди.

Ўйлаймизки, янги умидли спорт тури
бўйича илк бор ўтказилган мусобақа-
лар яқинлашиб келаётган Тошкентнинг
2200 йиллигига муносиб совға бўлди.

Саид ВАЛИЕВ,
Ўзбекистон халқ
таълими аълочиси

Осиё чемпионлар лигаси ва Кубоги турнири гуруҳ баҳсларининг 6-тур
беллашувларидан сўнг нимчорак финалга йўлланма олган жамоалар номи
маълум бўлди.

ЖАМОАЛАРИМИЗ — НИМЧОРАК ФИНАЛДА

ҳаммад Ал-Анвар Нестеров дарво-
засини аниқ нишонга олган бўлса,
63-дақиқага келиб жамоадолари
бошлаб берган ҳужумни Сувайлий
қойилмаком тарзда ниҳоясига ет-
казди. Шундай қилиб 2:0 ҳисобида
яқунланган ушбу баҳсдан сўнг «Ал-
Хилол» ва «Пахтакор» жамоалари
1,2-ўринларни эгаллаб кейинги бо-
сқичда қатнашиш ҳуқуқига эга
бўлишди.

Осиё чемпионлар лигаси «Д»
гуруҳидан ўрин эгаллаган амалда-
ги Ўзбекистон чемпиони «Бунёд-
кор» ўз майдонида Бирлашган
Араб Амирликларининг «Ал-Ша-

баб» жамоаси билан куч синаш-
ди. Учрашув тошкентликларнинг
устуңлигига ўтган бўлсада, ҳар
икки томон ҳам дарвозаларга гол
кирита олмади ва муроса йўлини
танлашди. 0:0 ҳисобида яқунлан-
ган ушбу беллашувдан сўнг тош-
кентликларга гуруҳда иккинчи ўрин
насиб этди.

Осиё чемпионлар лигаси Кубо-
ги баҳсларида юртимиз шарафини
ҳимоя қилаётган Юрий Сарки-
сян бош мураббийлигидаги Фар-
ғонанинг «Нефтчи» жамоаси «Ал-
Тилол» командасини йирик 5:0
ҳисобида мағлуб этди. Ушбу гу-

руҳда ҳам иккинчи ўринни эгалла-
ган фарғоналик чарм тўп устала-
ри кейинги босқичда мусобақа-
ларни давом эттирадиган бўлиш-
ди.

Энди Осиё чемпионлар лигаси
турнирининг нимчорак финали
беллашувлари 27 май кuni бўлиб
ўтди. Унда «Бунёдкор» ҳам, «Пах-
такор» ҳам, «Нефтчи» ҳам сафар-
да тўп суришди.

Биз кўп минг сонли мухлислар
номидан жамоаларимизга ёрқин
ғалабалар ёр бўлишини тилаб
қоламиз.

(Ўз муҳбиримиз)

— Ассалому алайкум, — деди талаба йи-
гит мулоимлик билан.
— Ваалайкум ассалом.
— Қани, домла, уйга қирамиз, — деди са-
мимийлик билан гижжакчи.
— Раҳмат, ишим жуда кўп, бир илтимос
билан чиққан эдим...
— Бош устига! — деди йигит қўлини кўкси-
га қўйиб.

Ғижжакчи талаба

Ҳикоя

— Иш қилаётган эдим... — деди профес-
сор.
— Бирор нарса керак бўлса, олиб келиб
берайми ёки бошқа бирор хизматингиз бор-
ми?
— Йўқ, йўқ, асло ундай эмас, мен дарсга
тайёрланаётган эдим, аммо гижжакнинг бир
оз халал беряпти...
— Мен ҳам, ўзингиз биласиз, имтиҳон топ-
ширишим керак.
— Бўлмаса, азизим, келишиб олсак, мен
ишга кетгач, сиз машқ қилсангиз қандай
бўларкин?
— Сиз ишда бўлган вақтингизда мен ҳам
ўқишда бўламан-да, домла.
Хуллас, бир қарорга келинмади. Профес-
сор аҳволнинг илложси эканлигини тушунди,
тақдирга тан беришга мажбур бўлди. Ҳа,
ҳамма нарсага ҳам кўникса бўларкан. Авва-

лига, жуда қийналди, кейин парво қилмай иш-
лайверадиган бўлиб қолди. Ойлар ўтиши бил-
лан гижжак овозига ўрганиб, баъзан ҳатто
ишлаб ўтирганда ҳам мусиқа оҳангига боши-
ни лиқиллатадиган бўлди.

Кунлардан бир кун профессор зўр иштаха
билан ишга ўтирган эди, гижжак овози нима
учундир эшитилмади. Буни қаранг, шўрлик-
нинг фикрига ҳеч нарса келмади, мулоҳаза-
лари гўё чувалашиб кетгандек. Кей-
ин ўрнидан туриб, папироснинг ту-
тунини тутунга улаб чека бошлади.
Асаби бузилиб, ишлаб олмади. Ётиб
газета ўқиди, кейин ухлаб қолди.

Эрта билан туриб, яна ёзув сто-
лига ўтирди. Ғижжак овози негадир
тинган. Бир нарсасини йўқотгандек,
гугурт қидирди. Хотинини қақриб жериб,
гугурт сўради. Кейин папиросини тутатганча
қўшинисиникига чиқди, кўнгироскини босди, ҳеч
ким очмади, эшикни итарган эди негадир очик
экан. Ичкарига кирди. Қарасаки, қўшниси
кўрна-ёстиқ қилиб ётибди, бўйинини сочик бил-
лан боғлаб олибди.

— Ҳа, ука, нима бўлди ўзи?
— Домла, қаттиқ шамоллаб қолдим.

Профессор дарҳол чиқиб аптекадан зарур
дориларни олиб келиб берди. Газда сут
қўйиб иситди, уни боржом билан қўшиб ич-
риди, кечкурун хотини қўшиб талабага банка
қўйди. Бемор секин-аста соғая бошлади, бир
ҳафта деганда оёққа туриб, энди уйдан гиж-
жак овози эшитила бошлади.

Профессор хотиржам ёзув столига ўтир-
ди...

Максуд ҚОРИЕВ

Аъзам АБДУЛЛАЕВ тайёрлаган

Тошкент шаҳар
«Ёшлик» талабалар ша-
ҳарчаси ҳокимлиги ва
жамоат ташкилотлари
«Ёшлик» талабалар ша-
ҳарчаси ҳокими Рўзимур-
ат Кунгратович Чориев-
га уқаси

Эшмурад Кунгра-
тович ЧОРИЕВнинг
вафоти муносабати бил-
лан чуқур таъзия изхор
этади.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 406

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилди.
3752 нусxada босилди.
Қоғоз бирими А-2

Нашрни етакчи бериш масалалари бўйича турар
жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаман-
га» 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшомини» компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шорк» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.